

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси**

**«Ҳимояга рухсат этилади»  
Кафедра мудири  
Проф.Б.А.Хасанов**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 йил

**МАВЗУ: «АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА МЕҲНАТГА  
ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА  
АУДИТИ»**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

|                                                        |                                                                                                                    |
|--------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>ИЛМИЙ РАҲБАР:</b><br><br>Проф.Маматов З.Т.<br>_____ | <b>БАЖАРДИ: «Бухгалтерия ҳисоби ва<br/>аудит» таълим йўналиши БР-87<br/>гуруҳ битирувчи курс<br/>талабаси_____</b> |
|--------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ КАФЕДРАДА ДАСТЛАБКИ ҲИМОЯДАН ЎТДИ  
\_\_\_\_\_СОНЛИ БАЁННОМА «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 йил.**

**Мундарижа:**

**КИРИШ.....**

**I- БОБ Меҳнатга ҳақ тўлаш аудити ва таҳлилини ташкил этишнинг назарий асослари**

1.1. Меҳнат ҳақининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли ва аҳамияти

1.2 Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, меҳнат ҳақи фонди ва ундан самарали фойдаланиш таҳлили

**II БОБ. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнатга ҳақи таҳлилини такомиллаштириш**

2.1. Корхонада меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фонди таҳлил қилишни такомиллаштириш

2.2. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш.

**III БОБ. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ҳақи аудитини ўтказиш услуби ва уни такомиллаштириш**

3.1. Корхоналарда аудит ўтказиш дастурини тузиш ва уни такомиллаштириш

3.2. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ҳақидан ажратма ва тўловлар ҳисобини аудиторлик текшириш хусусиятлари

**Хулоса ва таклифлар**

**Адабиётлар рўйхати**

**Иловалар**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатни модернизациялаш шароитида устувор йўналишлардан бири сифатида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айниқса жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi давом этаётган ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари таркибига кирувчи пахта тозалаш саноати корхоналарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга корхоналарда ишловчиларга яратилаётган қулайликларни кўпайтириш билан бирга фаровонлиги ошириш ва реал даромадларини кўпайтириш манбаи бўлган меҳнат ҳақини муттасил ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. «2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда – шунга эътибор беришингизни сўрайман – аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда»<sup>1</sup>.

Меҳнат билан банд аҳоли даромадларининг асосий қисми тадбиркорлик фаолиятидан олинishi билан бирга, уларнинг меҳнат ҳақлари ҳам оширилиб боришмоқда. «Барчамизга маълумки, аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръати энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади... Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2 - 2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»<sup>2</sup>. Меҳнат билан банд аҳолининг даромадларини ошириш корхонанинг даромадига боғлиқлигини

<sup>1</sup> Ўша жойда, – Б. 21.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. - т.16. -Т.: "Ўзбекистон", 2008. -49-бет.

ҳамда бевосита маҳсулот таннархига таъсир этишини ҳисобга оладиган бўлсак, корхананинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда ошириш лозим бўлади. Шу билан бирга, меҳнат ҳақини оширишда ходимларнинг малакаси, ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссаси ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бундан ташқари, кохоналарда меҳнат ҳақи билан боғлиқ ажратма - ягона ижтимоий тўлов ҳам мавжуд бўлиб, бу ажратма бевосита маҳсулот таннархига киритилиб, меҳнат ҳақи фондининг кўпайиши билан ягона ижтимоий тўлов суммаси ҳам кўпайиб, маҳсулот таннархи ошади. Таннархни ошиши корхона даромадларига тўғридан - тўғри таъсир қилиб, корхона ихтиёрида қоладиган фойдани камайтириб, корхонанинг тўлов қобилиятини заифлашувига ва хўжалик муносабатларида корхона манфаатларига путур етишига олиб келади. Натижада, меҳнат ҳақини корхона манфаатларига ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигига мос равишда ошириб бориш муаммоси долзарблик касб этади.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда корхоналарда иш ҳақи ҳисоби ва таҳлилини тўғри йўлга қўйиш ва амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил маълумотлари билан бошқарувчиларни ўз вақтида таъминлаш ката роль ўйнайди. Бухгалтерия ҳисобидан олинган ахборотлар асосида қабул қилинган бошқарув қарорлари меҳнат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ бухгалтерия ҳужжатларида ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттиришни таъминлаш билан бирга, меҳнат ҳақини бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширишни таъминлайди. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини режалаштириш тартибини ўзгартириш билан бир қаторда меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор шакллари қўллашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантириш ролини кучайтиришга, эришилган юқори натижалардан моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида этибор берилиши лозим. Шу нуқтаи назарда пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби тўғри ташкил этиш ҳамда юритиш, меҳнат ва иш ҳақи таҳлилини тўғри ташкил этиш муаммоларининг мавжудлиги Битирув малакавий ишнинг

мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Мавзуни ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи ҳисоби ва таҳлилининг айрим назарий, услубий, амалий жиҳатлари хорижий давлатлар олимлари К.Друри, Дж.Рис, Р.Н.Энтони, А.Ф.Аксененко, М.А.Вахрушина, Н.Д.Врублевский, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Республикамиз олимлари А.А.Абдуғаниев, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, Р.Д.Дусмуратов, Н.Ю.Жўраев, А.К.Иброҳимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Н.С.Санаев, Б.А.Хасанов, З.Т. Маматов, К.Б.Уразовлар илмий – услубий ишларида меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби ҳамда таҳлилининг маълум бир томонларини ўрганиб, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби ҳамда таҳлилин ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшган ва қўшмоқдалар.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, иқтисодчи олимларимиз томонидан корхоналарда меҳнат ҳақи таҳлили ҳамда аудити ягона бир тизимга келтирилган ҳолда алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади** - иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби ҳамда таҳлилин такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари:**

- пахта тозалаш корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнат ҳақи фандини шаклланиши ва ундан фойдаланиш таҳлилин такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- пахта тозалаш корхоналарида меҳнат ҳақи аудитини ўтказиш бўйича режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- меҳнат ҳақи аудитини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

– меҳнат ва иш ҳақи бўйича маълумотларни таҳлил қилишни такомиллаштириш;

**Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети.** Тошкент вилояти Пскент пахта тозалаш корхонаси тадқиқот **объекти** ҳисобланади. Пахта тозалаш корхонаси меҳнат ҳақини таҳлили ҳамда таҳлили жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг **предмети** ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги** иш ҳақи ҳамда меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлган ажратма ва ушланмалар ҳисоби ҳамда таҳлилини янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар куйидагиларда ўз ифодасини топган:

– пахта тозалаш корхоналарининг технологик хусусиятларини иш ҳақи ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишга таъсири назарий жиҳатдан асосланди;

– пахта тозалаш корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнат ҳақи фандини шаклланиши ва ундан фойдаланишни таҳлил қилиш усуллари такомиллаштирилди;

– пахта тозалаш корхоналарида иш ҳақининг бошланғич ва йиғма ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлган ажратма ва ушланмалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

– меҳнат ва иш ҳақи бўйича маълумотларни таҳлил қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий жиҳатлар:**

– пахта тозалаш корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнат ҳақининг замонвий шакллари қўллаш самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги;

– пахта тозалаш корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнат ҳақи фандини шаклланиши ва ундан фойдаланиш таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилганлиги ;

- пахта тозалаш корхоналарида меҳнат ҳақи аудитини ўтказиш бўйича режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги;
- меҳнат ҳақи аудитини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тавсиялар асослаб берилганлиги;
- меҳнат ва иш ҳақи бўйича маълумотларни таҳлил қилишни такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги;

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий ишнинг ҳажми \_\_\_\_ бетдан иборат бўлиб, кириш, 6 параграфни ўз ичига олувчи учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова, жадваллардан иборатдир. Битирув малакавий ишнинг тузилиши унинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ифодалайди.

## **I- БОБ Меҳнатга ҳақ тўлаш аудити ва таҳлилини ташкил этишнинг назарий асослари**

### **1.1. Меҳнат ҳақининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли ва аҳамияти**

Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун ҳам меҳнат қилади. Натижада маълум бир маҳсулот(иш, хизмат)лар яратилади. Ушбу яратилган маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари меҳнат предметлари сарфи, меҳнат қуролларини ейилиши ва ишчи кучига тўланган ҳақдан ташкил топади. Ҳар қандай маҳсулот(иш, хизмат)ларни таннархини бир қисмини меҳнат ҳақи харажатлари ташкил қилади. Демак инсон меҳнатига тўланадиган ҳақни тўғри белгиланиши яъни уни барча зарурий эҳтиёжларини қондирадиган даражада бўлиши, инсонни янада самарали меҳнат қилишга ундайди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига, уни таннархига ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси Республикамизда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Кодексининг 153-моддасига асосан «Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди»<sup>3</sup>.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида устувор йўналишлардан бири сифатида аҳолининг фаровонлиги ва реал даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Меҳнат билан банд аҳоли даромадларининг асосий қисмини меҳнат ҳақи ташкил этади. «Мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласи ўткир ва долзарб бўлиб, ушбу масала давлатимиз, жамиятимиз, барча-барча идоралар, фаолларнинг эътибор

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси . – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004. – Б. 81.

марказида туриши лозим».<sup>4</sup>

Маҳсулот таннархининг ошиши корхона даромадларига тўғридан-тўғри таъсир қилиб, фойдани камайтириб, корхонанинг тўлов қобилиятини заифлашувига ва хўжалик муносабатларида корхона мафаатларига путур етишига олиб келади. Шундай қилиб, меҳнат ҳақини корхона манфаатларига ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигига мос равишда ошириб бориш муаммоси долзарблик касб этади.

Меҳнат ҳақининг тури, шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар иш берувчи билан ишловчи ўртасида тузилган шартномаларда, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа тегишли ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ асосан пул шаклида тўланади, айрим ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳолларда натура шаклида тўланиши мумкин.

Ҳар бир меҳнат тури унинг шаклидан қатъий назар уни ташкил этишни талаб этади. Маълумки меҳнатни ташкил этиш энг аввало хўжалик субъекти ёки ташкилот миқёсида чегараланган бўлади. Хўжалик субъектида меҳнатни ташкил этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндисини ўзида мужассам этади. У ўз ичига қўйидаги вазифаларни қамраб олади: алоҳида ва ҳамкорлик, тартибга солиш ва рағбатлантириш, иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнат учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб бериш ва ҳоказолар. Меҳнатни ташкил этишнинг объекти бўлиб, меҳнат жамоасидаги ходимларнинг меҳнати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши, натижада янгича хўжалик юритиш тизимлари пайдо бўлишига олиб келди. Бундай шароитда

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 17 декабрда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.

пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ресурслари ва уларнинг ишлатилишини белгилаб берувчи бухгалтерия ҳисобининг услубияти янги шароитга мослашиши талаб этилади. Пахта тозалаш саноати корхоналарида эндиликда нафақат корхона ўзининг ички омилларини, балки ташқи омилларни ҳам инобатга олиши зарурдир. Пахта тозалаш саноати корхоналарини бошқариш нуқтаи назаридан эса корхона ходимлари сони, таркиби, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи ва иш ҳақи фонди, иш ҳақи нисбатан ажратмалар, уларнинг ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига мос келиши ёки келмаслиги, меҳнат ва иш ҳақи бўйича унумсиз харажатлар, асосий ишлаб чиқариш ходимлари ва маъмурий бошқарув ходимлари бўйича иш ҳақи харажатлари каби ишончли маълумотлар зарур бўлади. Ушбу маълумотларни ишончлилиги ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобидан олинadиган ахборотлар асосида таъминланади.

Ишловчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини иқтисодий асосланган ҳолда ошириб бориш асосида, ходимлар моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Моддий манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилганда, яъни ишловчиларнинг оладиган меҳнат ҳақларидан қониқиш ҳисси пайдо бўлгандагина, ходимларнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгариб, меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, меҳнат унумдорлиги ошиб, умуман корхонада ишлаб чиқариш самадорлиги ошади. Бундай маъсулиятли вазифани ҳал этиш бошқарув жараёнининг самарадорлигини оширишга, бошқарув тизимини ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилувчи ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этишни талаб этади. Тошкент вилояти «Пскент – пахта заводи» ОАЖда 2009-2013 йилларда ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақи ва корхонанинг даромадлари динамикаси таҳлили қуйдагича бўлган (1-жадвал).

**Тошкент вилояти «Пскент – пахта заводи» ОАЖда 2009-2013 йилларда ходимларнинг меҳнат ҳақи ва корхона соф фойдасининг ўзаро боғлиқлиги таҳлили<sup>5</sup>**

| Йиллар                        | Ўртача ишловчилар сони, киши | Йиллик меҳнат ҳақи фонди, минг сўм | Ойлик ўртача меҳнат ҳақи, сўм | Корхонанинг маҳсулот сотишдан олган соф тушуми, млн. сўм | Корхонанинг соф фойдаси, млн сўм |
|-------------------------------|------------------------------|------------------------------------|-------------------------------|----------------------------------------------------------|----------------------------------|
| 2009                          | 119                          | 232490,0                           | 142,5                         | 14093,6                                                  | 113,7                            |
| 2010                          | 121                          | 247023,2                           | 186,6                         | 15711,8                                                  | 133,4                            |
| 2011                          | 126                          | 271604,0                           | 229,5                         | 16233,1                                                  | 161,6                            |
| 2012                          | 135                          | 311888,0                           | 266,4                         | 17347,0                                                  | 181,6                            |
| 2013                          | 136                          | 364502,4                           | 288,2                         | 18341,4                                                  | 234,8                            |
| 2013 йил 2009йилга нибатан, % | 114,2                        | 155,5                              | 2,0 марта ошган               | 130,1                                                    | 2,1 марта ошган                  |

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти «Пскент – пахта заводи» ОАЖда 2009-2013 йилларда ишловчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2,0 мартага ёки 145,7 минг сўмга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 2,1 мартага ёки 121,2 миллион сўмга ошган. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкин бўладики, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошган сари, корхонанинг оладиган соф фойдаси ҳам ошиб борган. Албатда, соф фойданинг ошишига, 2010 йилдан бошлаб корхонада пахта хом ашёсини қайта ишловчи машина ва ускуналарни алмаштирилганлиги, хом ашёни қайта ишлашнинг янги технологияси қўлланилганлиги, олинган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини бажарилишига алоҳида эътибор билан қаралганлиги, пахта толасинининг жаҳон бозорида баҳосининг ошиши билан бирга ходимларнинг меҳнат ҳақинини ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда оширилиб борилиши меҳнатга бўлган мунасабат тубдан ўзгарганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг қуйидаги вазифаларини белгилашимиз мумкин:

1. Иш вақтининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш;
2. Сарфланган меҳнат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни тегишли ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш;

<sup>5</sup> «Ўзбекистон – пахта заводи» ОАЖнинг 2007-2011 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

3.Хисобланган иш ҳақини калкуляция объекти кредитлари ўртасида тўғри тақсимлаш;

4.Меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари амалда қўллаш;

5.Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш;

6.Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича маълумотларни молиявий ҳисобот ва ҳўжалик раҳбарияти учун ўз вақтида умумлаштириш ва тақдим этиш.

Пахта тозалаш корхоналарида амалга оширилаётган ишловчиларнинг мувофақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга, меҳнат ресурсларидан ҳам самарали фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда ишловчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги, уларга яратилаётган меҳнат шароитлари билан бирга, меҳнатига тўланадиган меҳнат ҳақи орқали таъминланади.

Юқоридаги вазифаларни бажарилиши, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат ҳақини муттасил ошириб бориш, меҳнат интизоми мустаҳкамлаш билан бирга, ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига ва корхоналар молиявий ҳолатини яхшиланишига олиб келади. Бу ўз навбатида, маҳсулот сифатини яхшиланиши ва маҳсулот таннархини пасайтиришга имконият яратиб, тармоқ корхоналарини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлигини таъминлайди.

## **1.2. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, меҳнат ҳақи фонди ва ундан самарали фойдаланиш таҳлили**

Пахта тозалаш саноат корхоналари мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар иқтисодиётида салмоқли ўринга эга. Пахта тозалаш саноат корхоналари пахта хом ашёси етказиб берувчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан бир томондан, иккинчи томондан эса, ўзи хом ашё етказиб берувчи сифатида тўқимачилик ва ёғ-мой саноат корхоналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритади.

Ўзбекистонда реал иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқлари қайсидир жиҳатдан пахтачилик билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Пахтачиликдан келиб чиқилган ҳолда республиканинг ҳудудлари ва улардаги тармоқлар ривожланишининг динамикаси белгиланади. Ўзбекистон Жаҳон бозорида юқори ликвидли маҳсулот – пахта толаси, линт ва бошқа пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларини сотиш билан бирга, пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар: калава ип, газламалар, трикотаж буюмлари сотади. Шу жиҳатдан пахта маҳсулотларини сотиш республикамизга чет эл валютаси тушишининг манбаларидан бири бўлиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистоннинг Жаҳон бозорларидаги самарали фаолиятини таъминлайди.

1-жадвал

### **Ўзбекистонда пахта экин майдони, ҳосилдорлиги, ялпи ҳосили ва олинган пахта толаси динамикаси<sup>6</sup>**

| Йиллар            | Экин майдони,<br>минг гектар | Ҳосилдорлик,<br>ц./га. | Ялпи ҳосил,<br>минг тонна. | Пахта толаси, минг<br>тонна. |
|-------------------|------------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------------|
| 2008              | 1448,2                       | 25,0                   | 3600,6                     | 1171,2                       |
| 2009              | 1451,3                       | 25,7                   | 3683,4                     | 1124,8                       |
| 2010              | 1403,3                       | 24,3                   | 3410,0                     | 1086,3                       |
| 2011              | 1346,5                       | 25,2                   | 3401,0                     | 1074,7                       |
| 2012 <sup>7</sup> | 1342,5                       | 25,4                   | 3411,0                     | 1125,4                       |

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда 2008 йилга

<sup>6</sup> Йиллик статистик тўплам. Тошкент.: “Muharrir nashriyoti”. 2011. 244, 250, 252-бетлар.

<sup>7</sup> Статистическое обозрение Узбекистана. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

нисбатан пахта экин майдони 7,3% га ёки 105,7 минг гектарга камайган. Ҳосилдорлик 1,6 %га ёки 0,4 ц/га. га ошиб, ялпи ҳосил экин майдонининг камайиши ҳисобига 5,3 %га ёки 189,6 минг тоннага камайган. Шунингдек, пахта толасини ишлаб чиқариш ҳам 3,9 %га ёки 45,8 минг тоннага камайган. Умуман олганда, кейинги йилларда пахта экин майдони 1,30-1,45 млн. гектарни ташкил этиб, пахта хом ашёсининг ялпи ҳосил 3,4-3,6 млн. тоннани ташкил этиб, уни дастлабки қайта ишлашдан 1,07-1,17 млн. тонна пахта толаси олинмоқда.

Пахта тозалаш саноат корхоналарининг бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874–сонли «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқарувини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан, «Ўзпахтасаноатсотиш» давлат акциядорлик уюшмаси негизида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма таркибига 99 та пахта тозалаш корхоналари, 10 та вилоят механик устахоналари, олти та моддий-техника таъминоти базалари, олти та хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш - қурилиш бошқармалари - жами 149 та хўжалик юритувчи субъектларни ўзида бирлаштирган 13 та «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари (ҲАБ) киритилди.

Республикада амалга оширилаётган изчил иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири – пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни кенг қўламда жорий этиш асосида, пахта толаси таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилашдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2008-2012 йилларда пахта тозалаш саноат корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қаршли корхоналарни модернизация қилиш ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича қиймати 125,4 миллион

АҚШ доллариға тенг бўлган 41 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган. Ушбу дастурга асосан 2009-20112 йилларда 34 та пахта тозалаш корхонаси реконструкция қилиниб, янги техника ва жиҳозлар ўрнатилиб, инновацион технологиялар жорий этилди. 2013йилда етгита пахта тозалаш корхонаси реконструкция қилинди.

Пахта тозалаш корхоналари модернизация қилиниши ва инновацион технологиялар жорий этилиши натижасида харажатлар самарадорлиги ошган (2-жадвал).

2-жадвал

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда харажатлар рентабеллиги динамикаси таҳлили, млрд. сўмда<sup>8</sup>**

| № | Кўрсаткичлар номи                                                           | Й и л л а р |        |        |        |        | 2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши (+: -) |
|---|-----------------------------------------------------------------------------|-------------|--------|--------|--------|--------|------------------------------------------------|
|   |                                                                             | 2009        | 2010   | 2011   | 2012   | 2013   |                                                |
| 1 | Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум                               | 1561,6      | 1840,2 | 1821,9 | 2543,1 | 2738,9 | + 1177,3                                       |
| 2 | Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари                                   | 1413,4      | 1645,8 | 1591,7 | 2231,6 | 2405,0 | + 991,6                                        |
| 3 | Сотишдан олинган соф тушумга нисбатан харажатлар салмоғи, % (2қ : 1қ * 100) | 90,5        | 89,4   | 87,4   | 87,8   | 87,8   | - 2,7 пункт                                    |
| 4 | Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишнинг ялпи фойдаси (1қ-2қ)                     | 148,2       | 194,4  | 230,2  | 311,5  | 333,9  | + 185,7                                        |
| 5 | Харажатлар рентабеллиги, % (4қ: 2қ * 100)                                   | 10,5        | 11,8   | 14,5   | 14,0   | 13,9   | + 3,4 пункт                                    |

2-жадвалдан кўриниб турибдики, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда 2013йилда 2009 йилга нисбатан маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум 1177,3 миллиард сўмга ёки 75,4 фоизга ошиб, сотишдан олинган соф тушумга нисбатан харажатлар солмоғи 2,7 пунктга пасайиб, харажатлар рентабеллиги 3,4 пунктга ошган.

Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини ташкил этишга қуйидаги тармоқ ва технологик хусусиятлар бевосита таъсир этади:

-хом ашёни йил давомида бир маромда қабул қилиш имконияти мавжуд

<sup>8</sup> «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2009-2013 йиллар молиявий ҳисоботи № 2 «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шакли маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

эмаслиги, яъни пахта хом ашёсини корхоналар йилнинг маълум бир даврида (асосан сентябрь-октябрь ойларида) қабул қилиб олиши;

-хом ашёни узоқ муддат сақланиши (уларни қайта ишлаб бўлиш кейинги йилнинг июнь ойигача давом этиши);

-ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришнинг цехли тузилмаси йўқлиги;

-бутун ишлаб чиқариш давомида бир турдаги хом ашё қайта ишланиб, бир хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши.

Юқорида кайд этиб ўтилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, пахта тозалаш корхоналарида ҳам иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари ходим меҳнатига тариф тизими асосида сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ тўланади. Тариф тизими - тариф-малака маълумотномаси, тариф сеткаси ва тариф ставкаси каби тушунчаларни ўз ичига олади. Корхоналарида бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи тариф-малака маълумотномасида келтирилади. Ушбу ҳужжат ходимлар малакасини аниқлаш ва уларга маълум разряд белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тариф сеткаси - бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган тариф коэффициентлари кўрсатиладиган ҳужжатдир. Корхоналарида биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенг бўлиб, разряд ортган сари тариф коэффициенти ҳам ошиб боради.

Тариф ставкаси - ходимнинг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги(соат,кун) учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди. Одатда тариф ставкаси биринчи разряд учун белгиланиб, қолган разрядлар учун эса биринчи разряд тариф ставкасини қолган разрядлар тариф коэффициентига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Корхоналарида иш ҳақининг асосан *ишбай ва вақтбай* шакллари қўлланилади. Иш ҳақининг ишбай шаклида меҳнатга ҳақ ишбай нарх асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига мувофиқ тўланади. Нарх-бу бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тўланадиган иш ҳақи суммасидир. Амалда ишбай иш ҳақи шаклининг оддий, мукофот ва аккорд

тизимлари қўлланилади.

Оддий ишбай шаклида ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини ишбай нархига кўпайтириш йўли билан иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ишбай-мукофот шаклида ходим асосий иш ҳақидан ташқари маълум ишлаб чиқариш ютуқларига эришганлиги учун мукофот олади. Масалан, ишлаб чиқаришда хом-ашё, материал ва бошқа моддий бойликлар тежаб-тергаб сарфланганлиги, ишлаб чиқариш режасини ошириб бажарилганлиги ва ҳ.к. Ишбай иш ҳақи шаклининг ушбу тизими амалда кенг қўлланилади.

Ишбай аккорд шаклида иш ҳақи суммаси ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот ёки бажарилиши лозим бўлган иш учун белгиланади. Аккорд шаклининг афзалликларидан бири шундаки, унда бажарилган жами ишнинг ҳажми ёки олинган маҳсулот учун ҳақ тўланади. Бу эса меҳнатни меъёрлашни ва иш ҳақи бўйича ҳисоб китоб ишларини бир мунча енгиллаштиради. Ишбай аккорд тизими асосан мавсумий ишларни ҳамда айрим буюртмаларни бажаришда қўлланилади.

Иш ҳақининг вақтбай шаклида меҳнатга ҳақ ходимнинг ишлаган вақти ва малакасига қараб тўланади. Амалда вақтбай иш ҳақининг оддий ва мукофот шакллари қўлланилади.

Оддий вақтбай шаклида корхоналар ходимлар ҳақиқатан ишлаган вақтига қараб белгиланган маош асосида ҳақ олишади. Вақтбай иш ҳақи олувчи ходимлар меҳнатига ҳақ уларнинг ишлаган вақти ва тариф ставкалари асосида аниқланади.

Вақтбай-мукофот шаклида асосий иш ҳақидан ташқари мукофот ҳам тўланади.

Корхоналар меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича масалаларни мустақил равишда ўзлари ҳал қиладилар. Корхоналар раҳбари тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида касаба уюшмаси ташкилоти билан келишган ҳолда ходимларнинг айрим гуруҳи учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай, вақтбай ёки аккорд шакллари белгилаши ҳамда ходимларни мукофотлаш учун мукофотлаш шартлари ҳамда кўрсаткичларини аниқлаб олиши мумкин.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таркибига кирмайдиган тўловларга қуйидагилар киради:

- тадқиқот ва рационализотирлик таклифлари учун рағбатлантириш;
- хизмат сафари харажатлари;
- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақа, ишлаётган нафақахўрларга берилаётган нафақа;
- махсус кийим,пойабзал қиймати;
- ўқув муассасалари, болалар интернатларига кўрсатиладиган ёрдам;
- маданий-оммавий ўқув тадбирларини олиб бориш учун ижарага олинган бино ижара ҳақи;
- профилакредиторий, дам олиш уйлари, пансионатлар харажатлари;
- кутубхоналар, тиббиёт пункти, музейлар билан боғлиқ харажатлар.

Корхоналарда, меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фондини таҳлили учун маълумотлар статистик ҳисоботнинг 1-т сонли «Меҳнат тўғрисидаги ҳисобот» номли шаклидан олинади. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ва ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.Таҳлилнинг дастлабки босқичи асосий фаолиятда ишловчи ходимларининг ва улар тоифаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ўтган йилдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан таққослаб мутлақ фарқни аниқлашдан бошланади.

## **II БОБ. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнатга ҳақи таҳлилини такомиллаштириш**

### **2.1. Корхонада меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фонди таҳлил қилишни такомиллаштириш**

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатларни таҳлил қилишнинг аҳамияти шундан иборатки, таҳлил натижасида олинган ахборотлар асосида харажатларни камайтириш имкониятлари аниқлаб олинади. Аниқланган имкониятлар асосида харажатлар устидан доимий назорат ўрнатилиб, харажатларни камайтиришга эришилади. Бу ўз навбатида маҳсулот таннархи пасайишига олиб келади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатларни таҳлил қилишда, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилади. Иқтисодий таҳлилнинг усули деганда том маънода ўзининг предметини ўрганиш воситаси тушунилади. Иқтисодий таҳлилнинг энг асосий билиш услуби – диалектик услуб бўлиб, у таҳлилга ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бу назарияга биноан ҳодисалар ва воқеликлар ўзаро алоқадорликда, бир-бирни тақозо этиш, макон ва замонда уларнинг ўзгариши ва ривожланишида эскилик билан янгилик курашида кўриб чиқилади.

Иқтисодий таҳлилнинг ҳар қандай услубиёти аналитик тадқиқотларни бажариш учун кўрсатма ёки услубий маслаҳатлар беришни назарда тутди. Шунинг учун, у ўзида қуйидагиларни мужассам этади:

- таҳлил вазифаси ва мақсадини шакллантириш;
- таҳлил объектини аниқлаш;
- ҳар бир таҳлил объектини тадқиқ қилинишида фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими аниқлаш;
- аналитик тадқиқот олиб бориш тартиби ва даврийлигини белгилаш;
- ўрганилаётган объектларни тадқиқ этиш усуллари ва услубларини танлаш;
- таҳлилни олиб бориш учун зарур бўладиган маълумот манбаларини

тўплаш;

-таҳлилни ташкил этиш бўйича кўрсатмаларни (тадқиқот алоҳида қисмларини қайси бўлимлар ва ким олиб боришини) бериш;

-маълумотларни аналитик қайта ишлашда фойдаланиладиган техник восита турларини танлаш;

-таҳлил натижаларини расмийлаштириш ҳужжатларини белгилаб олиш;

-таҳлил натижаларидан фойдаланувчиларини аниқлаш.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида иш ҳақини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлил услубиётининг қуйидаги икки: аналитик ишларни бажариш кетма-кетлиги ва ўрганилаётган объектларни тадқиқ этиш усулларида фойдаланилишини ҳисобга олиб, ушбу элементларига атрофлича тўхталамиз.

Таҳлилни комплекс бажаришда қуйидаги босқичлар ажратилади:

-биринчи босқичда таҳлил объекти, мақсади ва вазифаси аниқлаштирилади, аналитик иш режаси тузилади;

-иккинчи босқичда таҳлил объекти тавсифини ифодаладиган синтетик ва аналитик кўрсаткичлар тизими шакллантирилади;

-учинчи босқичда таҳлил учун зарур бўладиган маълумотлар йиғилади ва тайёрланади;

-тўртинчи босқичда ҳақиқатдаги кўрсаткичлар режа, олдинги йиллар, илғор корхоналар, тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан солиштирилади;

-бешинчи босқичда омилли таҳлил амалга оширилади: омиллар ажратилади ва улар ҳар бирининг натажага таъсири аниқланади;

-олтинчи босқичда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаган ва истиқболий имкониятлари аниқланади;

-еттинчи босқичда тадбирлар ишлаб чиқилади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, улар таннархининг пасайишига, фойда миқдорининг ошишига ҳамда бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши

корхоналарда меҳнат ҳақи таҳлилини ташкил этилиши ва олинган ахборотлардан бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш даражасига боғлиқ. Меҳнат ва меҳнат ҳақи кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси корхона ички имкониятларидан максимал фойдаланишга, кўрсатиладиган хизматларни бир маромда амалга оширилишига ва меҳнат унумдорлигини ўсишига таъсир кўрсатади.

Бугунги шароитида корхоналарнинг меҳнат ҳақи ва меҳнат фондидан фойдаланишни ўрганишда бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, уларнинг таркиби, структураси ўзгаришини меҳнат унумдорлигига бўлган таъсирини ҳисоблаш ва баҳо бериш;
2. Иш вақтини йўқотиш сабабларини аниқлаш ва унга баҳо бериш;
3. Меҳнат ҳақини ошириб бориш режасининг бажарилиши ва динамикасига объектив баҳо бериш;
4. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш;
5. Ходимлар қўнимсизлигига баҳо бериш;
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига меҳнат ҳақини ошишининг таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш;
7. Бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
8. Иш вақтидан фойдаланиш ва бир соатлик иш унумдорлигини ўзгаришини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ўрганиш ва ҳакозолар.

Корхоналарда меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фондини таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бизнес режа маълумотлари;

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини акс эттирган 1-Т шаклидаги “Меҳнат ҳисоботи” статистик ҳисобот шакли маълумотлари;
- меҳнат ҳақини ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари ва ҳисоботлари;
- иш вақтидан фойдаланиш, иш вақти баланси тўғрисидаги ҳисобот, ишга келиш, кетиш тўғрисидаги табел, ишлаб чиқариш нормасини бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа маълумотлар.

Меҳнат ҳақи фонди — бу ходимларга меҳнат ҳақи учун ҳисобланган ва тўланадиган жами пул маблағларидир ва бунга таъсир этувчи омиллар эса қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ходимлар сони;
2. Иш вақти фонди;
3. Меҳнат ҳақи даражаси.

Меҳнат ҳақи фонди кўрсаткичини таҳлил қилишда қуйидагиларга аҳамият берилади:

а) мутлоқ фарқ - бу ҳақиқий ва ҳисоб-китобга кўра ёки ўтган йилларга нисбатан меҳнат ҳақи фондлари ўртасидаги фарқ. Хўжалик субъектининг меҳнат ресурслари ва меҳнат ҳақи фондлари кўрсаткичларининг 2009-2013 йиллар давомида ўзгариш динамикасини қуйидаги 5-жадвалда бериб ўтамыз.

**5-жадвал**

**“Пскент пахта заводи” ОАЖда да меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фондлари кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси таҳлили<sup>9</sup>**

| № | Кўрсаткичлар номи             | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2013 йил<br>2009йилга<br>нисбатан<br>ўзгариши,<br>% |
|---|-------------------------------|------|------|------|------|------|-----------------------------------------------------|
| 1 | 2                             | 3    | 4    | 5    | 6    |      | 7                                                   |
| 1 | Ўртача ходимлар сони,<br>киши | 119  | 121  | 126  | 135  | 136  | 114,2                                               |

<sup>9</sup> «Пскент пахта заводи» нинг 2009-2013 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

|   |                                                                |        |        |        |        |        |                 |
|---|----------------------------------------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|-----------------|
| 2 | Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм                                    | 232490 | 247023 | 271604 | 311888 | 364502 | 155,5           |
| 3 | Бир киши ҳисобига маҳсулот сотишдан тушган соф тушум, млн. сўм | 140,9  | 157,1  | 162,3  | 173,5  | 183,4  | 130,1           |
| 4 | Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм                                      | 142,5  | 186,6  | 229,5  | 266,4  | 288,2  | 2,0 марта ошган |

Меҳнат ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар сифатида: ходимлар сонини, иш вақти фондини ва меҳнат ҳақи даражаси каби кўрсаткичларни санаб ўтган эдик. 5-жадвалдаги маълумотлар асосида “Пскент пахта заводи” ОАЖда 2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўтача меҳнат ҳақи икки баробарга ошган, меҳнат ҳақи фонди эса 3,8 баробарга ошган. Меҳнат ҳақини ошишини меҳнат унумдорлигига таққослайдиган бўлсак, шу даврда меҳнат унумдорлиги 62,6 фоизга ошган, яъни меҳнат ҳақи юқорироқ ўсган. Бундай ҳолат корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни “Пскент пахта заводи” ОАЖда хизматлар ҳажмини юқорироқ суръатларда ошишини таъминлашни тақозо этади.

Меҳнат ҳақи фондига икки омил: ишловчиларнинг ўртача сони ва ишловчиларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи. “Пскент пахта заводи” ОАЖда 2009-2013 йилда меҳнат ҳақи фондини таҳлил қилганимизда, ушбу омилларнинг таъсири қуйидагича бўлган (6-жадвал).

6-жадвал

**“Ўзбекистон пахта заводи” ОАЖ да меҳнат ҳақи фондининг таҳлили<sup>10</sup>**

| № | Кўрсаткичлар номи              | 2009   | 2010   | 2011   | 2012   | 2013   | 2013 йил<br>2009 йилга<br>нисбатан<br>ўзгариши |
|---|--------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|------------------------------------------------|
| 1 | 2                              | 3      | 4      | 5      | 6      |        | 7                                              |
| 1 | Ўртача ходимлар сони, киши     | 119    | 121    | 126    | 135    | 136    | 114,2                                          |
| 2 | Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм | 142,5  | 186,6  | 229,5  | 266,4  | 288,2  | 145,7                                          |
| 3 | Меҳнат ҳақи фонди, минг сўм    | 232490 | 247023 | 271604 | 311888 | 364502 | 132012                                         |

<sup>10</sup> “Ўзбекистон пахта заводи” ОАЖ нинг 2009-2013 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

|   |                               |   |   |   |   |   |        |
|---|-------------------------------|---|---|---|---|---|--------|
| 4 | Меҳнат ҳақи фондини ўзгариши: | - | - | - | - | - | 132012 |
|   | а) ходилар сони ҳисобига      | - | - | - | - | - | 13343  |
|   | б) иш ҳақи ҳисобига           | - | - | - | - | - | 118669 |

6-жадвалдан кўриниб турибдики, 2013 йилда 2009 йилга нисбатан меҳнат ҳақи фонди 132012 минг сўмга ошган. Меҳнат ҳақи фондини 13343 минг сўми корхонада ишловчилар сонини ошиши ҳисобига ошган бўлса, 118669 сўми ўртача бир ходимга ҳисобланган меҳнат ҳақининг ошиши ҳисобига ошган.

“Пскент пахта заводи” ОАЖ да меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фондини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таклиф қиламиз:

-корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш лозим. Бу корхонада меҳнат ҳақинини ошишини меҳнат унумдорлигини ошишига мутаносиблигини таъминлашига олиб келади;

-корхонада меҳнат ҳақини ташкил этиш ва ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш ҳамда уларга ойлик маошлари ставкасини белгилашда, ходимларнинг корхонада хизмат кўрсатишига қўшаётган ҳиссасини, малакасини ҳисобга олиш.

### **Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари тақомиллаштириш.**

Таҳлил жараёнида ўрганилаётган омиллар бир қанча белгилари бўйича туркумланади, бу эса натижа кўрсаткичи миқдори шаклланишида ҳар бир омил роли ва ўрнини баҳолаш имконини беради (6-жадвал).

**6-жадвал**

#### **Иқтисодий таҳлилдаги омилларни туркумланиши**

|                                          |                         |
|------------------------------------------|-------------------------|
| Турланиш белгиси                         | Омил гуруҳлари          |
| Табиатига кўра                           | Табиий-иқлим            |
|                                          | Ижтимоий-иқтисодий      |
|                                          | Ишлаб чиқариш-иқтисодий |
| Натижага таъсир кўрсатиш даражаси бўйича | Асосий                  |
|                                          | Иккинчи даражали        |
| Тадқиқот объектига муносабати            | Ички                    |

|                                          |                          |
|------------------------------------------|--------------------------|
| бўйича                                   | Ташқи                    |
| Жамоага боғлиқлиги бўйича                | Объектив                 |
|                                          | Субъектив                |
| Тарқатилиш даражаси бўйича               | Умумий                   |
|                                          | Махсус                   |
| Таъсир қилиш вақти бўйича                | Домий                    |
|                                          | Ўзгарувчан               |
| Таъсир қилиш тавсифи бўйича              | Экстенсив                |
|                                          | Интенсив                 |
| Ҳодисаларни акс эттириш хусусияти бўйича | Микдорий                 |
|                                          | Сифатий                  |
| Таркиби бўйича                           | Оддий                    |
|                                          | Мураккаб                 |
| Бўйсунуш тартиби бўйича                  | Биринчи даражали         |
|                                          | Иккинчи даражали ва ҳ.к. |
| Ўлчаш имконияти бўйича                   | Ўлчаб бўладиган          |
|                                          | Ўлчаб бўлмайдиган        |

Табиати бўйича омиллар табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш-иқтисодий каби турларга ажратилади. Табиий-иқлим омиллар қишлоқ хўжалиги, қазилма саноати, ўрмон хўжалиги каби тармоқлар фаолияти натижасига етарлича таъсир кўрсатади.

Меҳнат унумдорлиги – меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичидир. Меҳнат унумдорлиги жонли меҳнатнинг самараси бўлиб ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги деганда аниқ вақт бирлиги (1 киши-соат ёки 1 киши-куни) ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори ёки бажарилган иш ҳамда хизмат ҳажми тушунилади. Демак, 1 киши-соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш миқдори меҳнат унумдорлигига мисол бўлади. Меҳнат унумдорлиги бевосита ва билвосита кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи бўлиб, аниқ вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишлар миқдори ва ҳажми ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичлари ўз навбатида уч турга бўлинади:

1. Бир киши-соат ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (V):  
Буни аниқлаш учун ишлаб чиқарилган жами маҳсулот миқдорини (Q) жами

киши-соатларга (Т) бўлиш керак:

$$V = \frac{Q}{T}$$

2. Бир киши-куни ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (V). Буни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами миқдорини (Q) киши-кунлари (Т) жамига бўлиш керак:

$$V = \frac{Q}{T}$$

3. Бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (V). Буни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами миқдорини (Q) ишловчиларнинг ўртача сонига (Т) бўлиш керак:

$$V = \frac{Q}{T}$$

Меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичи бўлиб, бир бирлик маҳсулотни етиштириш учун сарф бўлган вақт (t) миқдори (киши-соат, киши-куни) ҳисобланади.

Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун жами киши-соатни, жами киши-кунини жами маҳсулот миқдорига бўлиш керак:

$$t = \frac{T}{Q}$$

Маҳсулот бирлиги учун қанча вақт кам сарфланса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади. Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигини бевосита кўрсаткичини аксидир.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига омилларнинг таъсир этиш хусусиятини ҳисобга олиб, таҳлилда омилларнинг бевосита иштирокида юзага келадиган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки қайси усулда аниқланмасин, меҳнат унумдорлиги даражаси ўзгармайди, бир даражада қолади, аммо иккинчи усулда меҳнат унумдорлиги даражасини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар кўриниб туради, биринчи усулда уларни кўриш мумкин эмас.

Демак, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини жами ишлаб чиқарилган

маҳсулот миқдори билан жами меҳнат сарфи кўрсаткичларидан фойдаланиб аниқлаш ўрнига, бир бирлик хизмат ҳисобига тўғри келадиган меҳнат сарфи кўрсаткичларидан фойдаланиб аниқлаш тўғри бўлади, чунки ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи бевосита омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ҳисобот йилидаги меҳнат унумдорлиги даражасини базис йилидаги унинг (ёки режадаги) даражасига солиштириб, ошган ёки камайганлиги аниқланади:

$$(X_1 : T_1) - (X_0 : T_0) = \pm \Delta_{TX}$$

бунда,  $T_0, T_1$  – базис ва ҳисобот йилларида бир бирлик кўрсатилган хизмат ҳисобига сарф бўлган вақт (киши-соат, киши-куни ҳисобида);

$X_0, X_1$  – базис ва ҳисобот йилларидаги кўрсатилган хизмат ҳажми.

$\Delta_{TX}$ - икки омил таъсирида юзага келган меҳнат унумдорлиги бевосита кўрсаткичининг ўзгаришини билдиради.

Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. Бир бирлик хизмат ҳисобига сарф бўлган вақтнинг ўзгариши ҳисобига ( $T_1 - T_0$ );

2. Жами хизмат даражасининг ўзгариши ҳисобига ( $X_1 - X_0$ ).

Ушбу омилларнинг меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаландик.

Омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли меҳнат унумдорлиги» кўрсаткичини аниқлаш зарур. «Шартли меҳнат унумдорлиги» кўрсаткичини аниқлаш учун базис йилидаги хизмат ҳажмини ( $X_0$ ) ҳисобот йилида бир бирлик хизмат ҳисобига сарф бўлган вақт миқдори ( $T_1$ ) бўлиш керак:

$$V_{ш} = X_0 : T_1$$

Энди, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига миқдорий омилнинг, яъни бирлик хизмат ҳисобига сарф бўлган вақт (киши-соат, киши-куни)нинг

Ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, шартли меҳнат унумдорлиги даражасидан базис йилидаги меҳнат унумдорлиги даражасини чегириб ташлаш керак:

$$(X_0 : T_1) - (X_0 : T_0) = \pm \Delta_T$$

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришига сифатий омилнинг, яъни хизмат ҳажми даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан шартли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$(X_1 : T_1) - (X_0 : T_1) = \pm \Delta_x$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ҳар доим меҳнат унумдорлиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт.

Таҳлилнинг мазмуни ва усулларида фойдаланиб, “Пскент пахта заводи” ОАЖда меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи таҳлилини 8-жадвалда акс эттирдик.

#### 8 -жадвал

##### “Пскент пахта заводи” ОАЖ да меҳнат унумдорлиги бевосита кўрсаткичи динамикаси ўзгаришининг омилли таҳлили

| Т.р | Кўрсаткичлар                                                                        | 2009<br>йил | 2013 йилдаги<br>бир бирлик хиз-<br>матга меҳнат<br>сарфи ва 2007<br>йилидаги<br>хизмат бўйича | 2013йи<br>л | Ўзгари-<br>ши (+,-) |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------|-------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|---------------------|
| 1.  | Бир бирлик (минг сўм) маҳсулот ҳисобига қилинган меҳнат сарфи, киши-соат.           | 0,5         | 0,43                                                                                          | 0,4         | -0,1                |
| 2.  | Жами маҳсулот суммаси, (минг сўм)                                                   | 189063,6    | 302375,6                                                                                      | 582341,4    | + 393247,8          |
| 3.  | 1 киши-соат ҳисобига олинган маҳсулот, минг сўм                                     | 2,0         | 2,3                                                                                           | 2,5         | + 0,5               |
|     | Шу жумладан ўзгариши омиллар ҳисобига:                                              |             |                                                                                               |             |                     |
|     | а) бир бирлик маҳсулот ҳисобига қилинган меҳнат сарфи миқдорининг ўзгариши ҳисобига | x           | x                                                                                             | x           | + 0,3               |
|     | б) жами маҳсулотнинг ўзгариши ҳисобига                                              | x           | x                                                                                             | x           | + 0,2               |

8-жадвалдан кўриниб турибдики, “Пскент пахта заводи” ОАЖда 2013 йилда 2009 йилга нисбатан бир бирлик маҳсулот учун сарфланган киши-соатларни камайиши ва маҳсулот ҳажмини ошиши ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошган.

Энди, меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичининг таҳлиliga тўхталамиз. Меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, унинг бевосита кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади. Ушбу омилларнинг меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсирини аниқлашда «индекс» усулидан фойдаланамиз. Омилларнинг таъсирини аниқлаганга қадар меҳнат сарфининг қуйидаги учта билвосита боғланиш кўрсаткичи ҳисоблаб олинади:

1. Базис йилидаги меҳнат сарфи кўрсаткичи:

$$t_0 = T_0 : X_0$$

2. Шартли меҳнат сарфи кўрсаткичи. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот йилидаги бир бирлик хизмат ҳисобига қилинган меҳнат сарфи миқдорини ( $T_1$ ) базис йилидаги жами хизмат миқдorigа ( $X_0$ ) бўлиш керак.

$$t_{ш} = T_1 : X_0$$

3. Ҳисобот йилидаги меҳнат сарфи кўрсаткичи.

$$t_1 = T_1 : X_1$$

Шундан кейин меҳнат унумдорлигининг билвосита кўрсаткичини омилли таҳлил қилиш мумкин.

Базис йилида хизмат бирлиги учун сарф бўлган меҳнат вақтини (киши-соатни, киши-кунини) ҳисобот йилидаги бир бирлик хизмат учун сарф бўлган меҳнат вақтига бўлиш орқали меҳнат унумдорлигини индекси аниқланади, ундан 1 коэффицентни (100 фоизни) чегириш орқали умумий ўзгариши аниқланади: буни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\left(\frac{T_0}{X_0} : \frac{T_1}{X_1}\right) - 1 = \pm \Delta_{тх}$$

### **III БОБ. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ҳақи аудитини ўтказиш услуги ва уни такомиллаштириш**

#### **3.1. Корхоналарда аудит ўтказиш дастурини тузиш ва уни такомиллаштириш**

Текширишнинг чоғида аудиторлар меҳнатга ҳақ тўлаш участкасидаги аҳвол тўғрисида етарли тўғри тасаввурга эга бўлиши ва ишнинг аҳволини бундан кейинги ўрганиш кун сайин камроқ янги фойдали ахборот келтириши сабабли аудиторлар текширишга энг кам вақт сарфлаб, асосланган аудиторлик хулосаси чиқариш учун меҳнат ҳақи бўйича етарли зарур маълумотни олиш имконини берадиган ўртача вақтни топиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга текшириладиган участкаларни нотўғри танлаш ва текшириш натижалари юзасидан нотўғри хулоса чиқариш масъулияти тўлатўкис аудиторлар зиммасига тушади. Аудиторлик rischi турларидан бири ҳам худди шунда яширинган.

Касса, банк ҳужжатлари, бўнак ҳисоботлари, муассислар билан ҳисоблашишлар ялпи текширилади. Иш ҳақи ҳисоб китобига келсак, ҳисоботнинг бу бўлимлари бўйича текшириш танлаб ўтказилиши мумкин.

Ўз навбатида, алоҳида назорат қилинадиган материалларни танлаб олиб, қиймат ва тақчил материалларни ялпи текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар текширишни аудиторлар бригадаси амалга ошираётган бўлса у ёки бу аудитор қайси участкаларни текшираётганини олдиндан аниқлаб олиш лозим. Бунда олдинги текширишлар чоғида тўпланган тажрибани ҳамда малакани ҳисобга олиш зарур бўлади.

Аудиторлар меҳнат ҳақи бўйича аудиторлик текшириш ўтказиш чоғида ҳисобот ва бош китобни ўрганишлари, уларнинг ҳисоб регистлари билан уйғунлигини текширишлари, бухгалтерия счетларида дастлабки ҳисоб маълумотлари ёзуви асосланганини аниқлашлари керак.

Табиийки, аудиторлик текширишининг дастури билан танишиш ва

текшириш объектлари ҳамда босқичлари мазмунини келишиб олиш учун текширилаётган корхона раҳбарига топширилади.

Корхона раҳбарининг илтимосига биноан дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Масалан, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат банкининг таъсисчиси бўлиш нияти муносабати билан унинг молиявий аҳволи ва тўлов қобиляти тўғрисида аудиторлик хулосаси талаб қилинади, ёки корхонанинг бирор хорижий шерик билан қўшма корхона барпо этиш ниятига мувофиқ, Ўзбекистон томонидан улушни баҳолаш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолларда аудиторлар зарур баҳолар кўрсатилган тегишли хулосани тайёрлаб беришлари мумкин. Аудиторлик текшириши дастурига корхона ички назоратнинг ташкил этилиши ва унинг самарадорлигини ҳисобга олиб, ўзгартириш мумкин.

Аудиторлик текшириши дастури пухта тузилганига қарамай, унинг талаб қиладиган меҳнат ҳажмига ва қанча давом этишига таъсир қиладиган бир қанча омилларни олдиндан кўра билиш ва ҳисобга олиш мумкин эмас. Шу сабабли текшириш давомида у ёки бу ишларнинг мазмунига ва давомийлигига ўзгартириш киритишга тўғри келади.

Текшириш дастурини тузиш гуруҳга мутахассисларни танлаш ва пировард натижада ҳисоботнинг ҳақиқийлиги тўғрисида асосланган хулосани тайёрлаш учун миждоз-корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ва тузилиши тўғрисидаги умумий ахборот зарур бўлади. Бунинг учун қуйидагиларни аниқлашга тўғри келади:

- \* корхонанинг тармоққа хос хусусиятлари;
- \* корхонанинг ташкилий тузилиши;
- \* ишлаб чиқариш алоқалари (маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар);
- \* молиявий алоқалар (бошқа корхоналарнинг устав капиталини шакллантиришга йўналтирилган маблағлар);
- \* юридик мажбуриятлари (судда кўриш натижалари, солиқ инспекциясининг, бюджетдан ташқари фондларнинг далолатномалари)

1. Юқори раҳбарларнинг, ўрта бўғин бошқарув ходимларининг, ижрочиларнинг, ҳисоб юритиш билан боғлиқ бўлмаган корхона ходимларининг қизиқтираётган масалалар тўғрисидаги фикрлари.

2. Ташқи ва ички ҳисоботлар ҳамда эълон қилинган материаллар. Ташқи ҳисоботларга тармоқ матбуоти ва газеталар; тармоқ бўйича таҳлилий ҳисоботлар, асосий рақобатчилар ва тармоқнинг ўртача кўрсаткичларига қиёслаш кабилар киради.

Ички –ҳисоботлар булар молиявий ҳисобот, директорлар кенгаши, бошқарув дирекция, акциядорлар мажлисларининг баённомалари, бошқарувларнинг ҳисоботлари – сметалар, лойихалар; ички аудиторлар, консултантлар, юристларнинг ҳисоботлари; ҳисоб сиёсати, солиқ инспекциясининг далолатномалари киради.

Ишнинг шу босқичида аниқлаб олиш лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири корхонанинг таркибини ва кичик корхоналар ва қарам корхоналар билан ўзаро муносабатларини, уларнинг ўртасидаги хўжалик операцияларини, асосий воситаларнинг сотилишини, қарз ва молиявий ёрдамни, ўзаро қарзларни расмийлаштиришни аниқлашдир.

Аудитор миқознинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир қиладиган ички ва ташқи омилларни аниқлаши лозим.

Аудиторлик текшириши одатда ҳамиша маълум муддат, ўртача 2-4 ҳафта билан чекланган бўлади. Йирик ва ҳатто ўртача корхонада ҳам бундай муддатда молиявий–хўжалик фаолиятини ялпи текширишга ҳамиша ҳам улгуриб бўлмайди. Лекин тўла ишонч билан бундай деб бўлмайди, чунки текшириш ҳажми аудиторлар сонига ва мутахассисларнинг малакасига боғлиқ.

Аудиторлар (аудиторлик ташкилоти) давлат органларининг топшириғи билан ўтказилаётган текшириш икки ойдан ортиқ давом этмаслиги керак. Аммо бу катта муддат текширишни топширган органлар олдидаги алоҳида масъулият билан белгиланади.

Шу муносабат билан ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текшириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга моликдир.

Текшириш стратегияси қуйидагиларни назарда тутати:

- \* текшириш дастурини тузиш учун ахборат тўплаш;
- \* тўпланган ахборатни ўрганиш;
- \* аудиторлик рискинни дастлабки баҳолаш;
- \* счетлар бўйича текширишнинг теранлиги, моҳияти ва қанча давом этишини аниқлаш.

Текшириш стратегияси текшириш режаси сифатида расмийлаштирилади. Режа ёзма равишда тузилади.

Режа тузишнинг мақсади:

- \* зарур тестларнинг ҳажми ва турини олдиндан белгилаш;
- \* уларни бажариш учун қанча вақт ва меҳнат сарфларини баҳолаш;
- \* текшириш бошланмасдан барча асосий масалалар бўйича мижоз билан ҳамжихатликка эришиш;
- \* аудиторни бажариш ва уни мазкур мижозда сифатли ўтказиш асослилиги далиллариغا эга бўлиш.

–режалаштиришдан олдин қуйидаги босқичлар ўтади:

–режалаштиришдан олдинги тайёргарлик;

–корхона тўғрисида умумий маълумот олиш;

–ички назорат тизимини ва унинг самарасизлиги рискинни баҳолаш;

Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит ролини, шунингдек, аудит ўтказиш жараёнига экспертларни жалб этиш заруратини белгилайди. Аудит умумий режасининг намунавий мазмуни 1-иловада келтирилган.

Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик жараёни мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ёрдамчи аудиторлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-қоидасини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин. Аудиторлик дастурини назорат воситалари тестлари дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари дастури кўринишида тузиш керак. Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Назорат воситалари тестларининг мақсади шундан иборатки, улар хўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида счётлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни ўз ичига олади. Моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатдан иборат бўлади. Моҳиятига кўра русум-қоидалар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айна қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик русум-қоидалари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлиб, бунда ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари ҳужжатлаштирилиши керак. Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган хулосалари аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузиш учун факт материали, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Аудит дастурининг намунавий мазмуни 2-иловада келтирилган. Аудитни режалаштириш жараёни тугаганидан сўнг аудит умумий режаси ва дастури

хужжатнинг расмийлаштирилиши ва уларга белгиланган тартибда виза қўйилиши керак.

1-ИЛОВА

#### АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот \_\_\_\_\_

Аудит даври \_\_\_\_\_

Киши-соатлар сони \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи раҳбари \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи таркиби \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган аудиторлик rischi \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган муҳимлик даражаси

| N | Режалаштирилаётган иш турлари | Ўтказ иш даври | Бажарувчи | Изоҳлар |
|---|-------------------------------|----------------|-----------|---------|
| 1 |                               |                |           |         |
|   |                               |                |           |         |
|   |                               |                |           |         |

Аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари Аудиторлик гуруҳи раҳбари.

2-ИЛОВА

#### АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот \_\_\_\_\_

Аудит даври \_\_\_\_\_

Киши-соатлар сони \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи раҳбари \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи таркиби \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган аудиторлик rischi \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган мумлик даражаси \_\_\_\_\_

| N | Аудит бўлимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати                                                                                     | Ўтказиш даври | Бажарувчи | Аудиторнинг иш ҳужжатлари | Изоҳлар |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|-----------|---------------------------|---------|
| 1 | Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счетини баланс 1-шаклдаги қолдиғи б-н бош китоб ёки оборот сальдо ведомостидаги қолдиғи б-н солиштириш |               |           |                           |         |
| 2 |                                                                                                                                          |               |           |                           |         |
|   |                                                                                                                                          |               |           |                           |         |

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

### **3.2. Меҳнат ва иш ҳақини бошланғич ҳужжатлардатўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ва уни натижаларини умумлаштириш**

Корхоналарда бошланғич ва йиғма ҳисобни тўғри ташкил этилиши ва уни ўз вақтида юритилишини таъминлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бошланғич ва йиғма ҳисоб корхона фаолияти билан боғлиқ ахборотлар билан корхона бошқарувчиларини таъминлайди. Ушбу олинган ахборотлар асосида қабул қилинган бошқарув қарорлари корхоналарни самарали бошқаришни таъминлаш билан бирга, эркин рақобат шароитида уларни бир маромда фаолият юритишига олиб келади. Пахта

тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ва иш ҳақининг бошланғич ва йиғма ҳисобни тўғри ташкил этилиши ва юритилишини аудит қилиш қуйидагиларни таъминлайди:

- ишловчиларнинг ишлаган саотлари ва кунларини аниқ ва тўла ҳисобга олинишини;

- ишловчиларнинг ишлаган саотлари ва кунларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини тўғри ҳисобланишини;

- корхонада меҳнат ҳақи фондини шаклланиши ва ишлатилиши бўйича объектив ва тўлиқ маълумотлар олиш, меҳнат ҳақи фондини ишлатилиши устидан доимий назорат қилишни;

- ишловчиларга иш ҳақини ўз вақтида ҳисобланиши ва тўланишини;

- меҳнат ҳақи билан боғлиқ ажратмалар ва меҳнат ҳақидан ушланмаларни тўғри ҳисобланиши ҳамда тегишли органларга ўз вақтида ўтказилишини;

- корхонадаги ички ва ташқи бухгалтерия ҳисоботларини ишончли ва ўз вақтида тузилиши ва тақдим этилиши;

- корхона бошқарувчиларини ва бошқа тегишли органларни ўз вақтида ишончли ахборот билан таъминланишини.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида бошланғич ва йиғма ҳисобни ташкил этиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ҳамда Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрда 131-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

«Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади... Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг қуйидаги ҳужжатлар аудит қилинади ва ушбу реквизитлар кўрсатилиши шарт:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;

-хужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

-хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);

-масъул шахсларнинг шахсий имзолари»<sup>11</sup>.

Бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳисоб қуйидаги уч элементдан иборат:

- 1.Бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари.
- 2.Ҳисобдор шахсларнинг кирим-чиқим дафтарлари.
3. Ҳисобдор шахсларнинг ҳисоботлари.

Корхоналарда бошланғич ва йиғма ҳисобни такомиллаштириш бошқарувчиларни корхона фаолиятига доир ахборотлар билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлиги ошиб, корхоналарнинг эркин рақобат шароитида барқарор фаолият юритишига олиб келади.

Бошланғич ва йиғма бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизитларда ахборотлар тўлалигини таъминлаш, унификациялаштириш ва стандартлаштириш, қоғозни тежаш ва электрон шаклга ўтиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Меҳнат ва унинг ҳисобини ташкил этиш жараёнида, кадрлар бўлим ва бухгалтерияда меҳнат ҳақини ҳисобини аниқ ва тўғри ҳисобга олиб бориш мақсадида бирламчи ҳужжатларда қайд қилиниб борилади. Шу ҳужжатлар асосида ходимлар ва ходимлар ҳисобини, уларнинг меҳнати ва уларга ҳақ тўланишини олиб боради, Шахсий таркибни ҳисобга олиш бўйича яъни ходимлар таркиби ҳисобини юритиш учун дастлабки ҳужжатларни қўйидагилар ташкил этади:

**Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ (Т-1 сон шакл)** – ишга янги қабул қилингалларни ҳисобга олиш учун қўлланилади. Кадрлар бўлими ходими ёки қабул учун масъул бўлган шахс томонидан пахта тозалаш корхонасининг барча ходимларига бир нусхада тўлдирилади. Ходим ишга

---

<sup>11</sup> Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. Тошкент.: “NORMA”. 2007. 6 бет.

олинаётган хўжалик субъекти бўлинмаси раҳбари қабул имконияти ҳақида хулоса беради: буйруқнинг орқа томонида ёлланаётган ишга ким сифатида, қандай маош билан қабул қилинаётганлиги кўрсатилади.

Ходимнинг иш шароитларига розилиги, музокаралар, тиббий кўрик натижалари, техника хавфсизлиги, ёнғиндан сақлаш бўйича инструктаждан ўтганлиги ҳақида қайдлар ҳамда бошқа белгилар шаклнинг орқа томонига қўйилади. Маош белгиланадиган, ходимни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқга хўжалик субъектининг тегишли хизмати томонидан виза қўйилади. пахта тозалаш корхонаси раҳбари имзолаган фармойиш ходимга эълон қилинади.

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги фармойишга асосан шахсий варақа : тўлдирилади, меҳнат дафтарчасида ишга олинганлиги ҳақида қайд қилинади, пахта тозалаш корхонаси бухгалтериясида эса шахсий ҳисобрақам очилади.

**ТТТшахсий варақа (Т-2 сон шакл)** — пахта тозалаш корхонаси барча тоифадаги ходимларига, шу жумладан олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар ва ёш ходимларга бир нусхада тўлдирилади ва юритилади.

Кадрлар билан иш юритадиган ходим томонидан ходимлар сўровини ўтказиш ва қуйидаги ҳужжатларини кўриб чиқиш асосида шахсий варақа тўлдирилади: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, диплом. Ходим ҳақидаги маълумотлардаги кейинчалик юз берадиган ўзгаришлар мунтазам шахсий варақада акс эттирилшии лозим.

**Бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ (фармойиш)** — ходимни хўжалик субъектининг бир бўлинмасидан бошқасига ўтказишни расмийлаштириш чоғида қўлланилади. Ҳамда пахта тозалаш корхонаси кадрлар бўлими ходими томонидан икки нусхада тўлдирилади. Бир нусхаси кадрлар бўлимида сақланади, бошқаси хўжалик субъекти бухгалтериясига юборилади. Илгариги ва янги иш жойидаги бўлим бошлиқлари фармойишига виза қўяди ва пахта тозалаш корхонаси раҳбари имзолайди.

Бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруққа асосан кадрлар бўлими шахсий варақада, меҳнат дафтарчасида ва бошқа ҳужжатларда ёзувларни қайд этади. Шаклнинг орқа томонида илгариги иш жойида ходим ҳисобида бўлган, топширилмаган мулкӣ-моддий қимматликлар тўғрисидаги ёзув қайд этилади.

**Таътил берилиш ҳақидаги ёзув (Т-6 сон шакл)** — пахта тозалаш корхонаси уставига, амалдаги қонун ҳужжатларига ва низомларга, жамоа шартномаларига ва таътиллар жадвалига мувофиқ бериладиган ҳар йилги ёки бошқа турдаги таътилларни расмийлаштириш чоғида қўлланилади. Таътил бериш ҳақидаги фармойиш бир нусхада тўлдирилади ва бўлинма бошлиғи ҳамда хўжалик субъекти раҳбари томонидан тасдиқланади. Таътил бериш ҳақидаги фармойишга асосан кадрлар бўлими ходимнинг шахсий варақасида ёзувни қайд этади, хўжалик субъекти бухгалтерияси эса таътил учун берилиши лозим бўлган иш ҳақини ҳисоб-китоб қилади. Ҳақ тўланмайдиган таътил бериш чоғида таътил кунлари сони кўрсатиладиган қаторда «ҳақ тўланмайди» деб ёзиб қўйилади.

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ : (фармойиш) (Т-8 сон шакл)** — ходимни ишдан бўшатиш чоғида қўлланилади, ҳар бир ходимга кадрлар бўлими ходимни томонидан бир нусхада тўлдирилади, пахта тозалаш корхонаси раҳбари имзолайдилар. «Топширилмаган мулкӣ-моддий ва бошқа қимматликлар ҳақида маълумотнома» бўлимида ходим ҳисобида бўлган, топширилмаган қимматликлар ҳақидаги ёзув қайд этилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа асосан бухгалтерия хўжалик субъекти ходими билан ҳисоб-китобни амалга оширади. Ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатиш чоғида ходим Т-8 сон шаклнинг олд томонида аризани расмийлаштиради.

Пахта тозалаш корхонасида ходимларнинг иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатларни қуйидагилар ташкил этади:

**Иш вақтидан фойдаланиш ва иш ҳақи ҳисоб-китобини ҳисобга олиш табели (Т-12 сон шакл)** — пахта тозалаш корхонасида ишлайдиган барча шахсларнинг иш вақтидан фойдаланишини ҳисобга олиш чоғида,

шунингдек уларнинг белгиланган иш вақти тартибига риоя этиши устидан назорат юритилади, яъни барча ишга келинган, шунингдек кечиккан ва ҳоказолар ҳақида қайдлар ёхуд бўйинтовлашлар (ишга келмаслик, кечикишлар ва ҳоказолар)ни рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Т-2 сон шаклдаги табелнинг титул варағида ишлаган ва ишланмаган вақтнинг шартли белгилари берилган. Кунлар ва соатлар сони битта ўнлик белги билан кўрсатилади.

Иш вақтини ҳисобга олиш табели (Т-13 сон шакл) — пахта тозалаш корхонасида ишлайдиган барча шахсларнинг иш вақтидан фойдаланишини ҳисобга олиш чоғида, шунингдек уларнинг белгиланган иш вақти тартибига риоя этиши устидан назорат қилиш, улар билан иш ҳақида оид ҳисоб-китоблар ҳилиш ҳамда ишланган вақт ҳақида маълумотлар олиш учун қўлланади. Табелъ уни юритиш топширилган шахс томонидан бир нусхада тузилади ва ҳўжалик субъекти бухгалтериясига бир ойда икки марта ойнинг биринчи ярми учун тўланадиган суммани (бўнак) тўғрилаш ҳамда ойлик иш ҳақини ҳисоб қилиш учун юборилади, Агар ҳўжалик субъектида меҳнатга ҳақ тўлаш ойда бир марта амалга оширилса, табелъ бухгалтерияга ойда бир марта якуний ҳисоб-китоб учун топширилади. Ишга келганлик ва иш вақтидан фойдаланганлик ҳисоби ялпи рўйхатдан ўтказиш усулида табелда юритилади, яъни барча ишга келинган, шунингдек кечиккан ва ҳоказолар ҳақида қайдлар ёхуд бўйин товлашлар ( ишга келмаслик, кечикишлар ва ҳоказолар)ни рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Т-13 сон шаклдаги табелнинг титул варағида ишланган ва ишланмаган вақтнинг V шартли белгилари берилган. Кунлар ва соатлар сони битта ўнлик белги билан кўрсатилади. Т-13 сон шакл иш ҳақи ҳисоб-китобини ҳисобга олмаган ҳолда иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш учун қўлланилади. Ҳисобда Т-13 сон шаклини қўллаш чоғида иш ҳақи ҳисоб-китоб тўлов қайдномасининг (Т-49 сон шаклдаги) шахсий счётида ҳисоблаб чиқарилади.

Пахта тозалаш корхонасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилади. Пахта тозалаш корхонасида ходимлар меҳнатнинг

анчагина қисмига ҳақ вақтбай шаклида қўлланади.

Табель— уни юритиш топширилган шахс томонидан бир нусхада тузилади ва ҳўжалик субъекти бухгалтериясига бир ойда икки марта ойнинг биринчи ярим учун тўланадиган суммани (бўнак) тўлаш ҳамда ойлик иш ҳақини ҳисоб қилиш учун юборилади. Агар ҳўжалик субъектида меҳнатга ҳақ тўлаш ойда бир марта амалга оширилса, табель ҳам бухгалтерияга якуний ҳисоб-китоб учун ойда бир марта топширилади. Бунда асосий ҳужжат бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш табели ҳисобланади. Ходимга иш ҳақи ҳисоблаш учун унинг ҳақиқий ишлаган вақтининг миқдори ва тариф ставкасини белгилаш етарли. Тариф ставкасини ишлаган иш соатига кўпайтириб вақтбай ходимнинг иш ҳақи суммасини топиш мумкин.

Ишлаган маҳсулот ва бажарилган ишлар ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар миқдорини қисқартириш мақсадида йириклаштирилган жами норма ва баҳоларни қўллаш шунингдек бир йўла тузиладиган бир кунлик ҳужжат ўрнига кўп кунлик (йиғма ҳужжат) ҳафтада ишбай ишларнинг бажарилиши (Т-28 сон шакл)га ўхшаган ҳужжатларни қўллаш тавсия қилинади.

Ҳўжалик субъектининг ходимлар ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бўйича қўйидаги бирламчи ҳужжатларни кўрсатиш мумкин:

**Ҳисоб-китоб тўлов кайдномаси (Т-49 сон шакл)** — пахта тозалаш корхонасида ҳисоб маълумотларини қўлда қайта ишлаш чоғида иш ҳақи ва пенсия бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоб ва ҳисоб операцияларини ўтказиш учун қўланилади.

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш ишланган ва бажарилган ишлар, амалда ишланган вақт, ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳисоб меҳнатнинг анчагина қисмига ҳақ вақтбай шаклида қўлланади. Бунда асосий ҳужжат бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш табели ҳисобланади. Ходимга иш ҳақи ҳисоблаш учун унинг ҳақиқий ишлаган вақтининг миқдори ва тариф ставкасини белгилаш етарли. Тариф ставкасини ишлаган иш соатига кўпайтириб вақтбай ходимнинг

иш ҳақи суммасини топиш мумкин.

Пахта тозалаш корхонасида у ёки бу дастлабки ҳужжатлар шаклини қўллаш ишлаб чиқаришни характери, меҳнатини ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тизимига, шунингдек маҳсулот сифатини назорат қилиш усулига боғлиқ, қонуний ҳужжатларга биноан пахта тозалаш корхонасида қўйидаги дастлабки ҳужжатлар ҳам қўлланилади: ишбай иш наряди, маршрут варақаси, тайёрланган маҳсулот тўғрисида рапорт, тайёрланган маҳсулотни ҳисобга олиш қайдномаси, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси, вақтбай ишловчиларига берилган нормалаштирилган топшириқ ва бошқалар.

Ишлаган маҳсулот ва бажарилган ишлар ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар миқдорини қискартириш мақсадида йириклаштирилган жами норма ва баҳоларни қўллаш шунингдек, бир йўла тузиладиган бир кунлик ҳужжат ўрнига кўп кунлик (йиғма ҳужжат) ҳафтада ишбай ишларнинг бажарилиши (Т-28 сон шакл)га ўхшаган ҳужжатларни қўллаш тавсия қилинади.

Пахта тозалаш корхонасининг ходимлари ва хизматчилари билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бўйича қўйидаги бирламчи ҳужжатларни кўрсатиш мумкин:

**Тўлов қайдномаси (Т-53 сон шакл)** — меҳнат ҳақи ва пенсияларни тўлашни ҳисобга олиш учун қўлланилади ва ҳисоб-китоб қайдномаси асосида тўлдирилади.

Шаклнинг титул варағида тўланган ва депонентга ўтказилган иш ҳақининг умумий суммаси кўрсатилади. Зарур ҳолларда «Изоҳ» устинида тақдим этилган ҳужжат рақами кўрсатилади. Тўлов қайдномасини тўлдиришда сўнгги ёзувдан кейин қайднома бўйича умумий сумма учун якуний сатр киритилиши лозим. Якуний сатрлар шунингдек ҳар бир саҳифанинг сўнгида киритилиши мумкин.

**Шахсий ҳисобварақ (Т-54 сон шакл)** — ўтган даврлар учун иш ҳақи ва пенсия ҳақидаги маълумотларни акс эттиришда фойдаланилади.

Пахта тозалаш корхонаси бухгалтери томонидан тўлдирилади. Унда ишланган ва бадарилган ишлар, ишлаб берилган вақтни ҳисобга олиш бўйича бошланғич ҳужжатлар ҳамда турли тўловларга оид ҳужжатлар асосида барча турдаги ҳисоблаб ёзишлар ва иш ҳақидан ушланмалар ҳақидаги ёзув қайд этилади.

Бўнак ҳисоб-китобисиз иш ҳақи беришда Т-54 сон шаклда ҳисоблаб ёзишлар ва ушланмалар ҳақидаги ёзув икки сатрда қайд этилади. Шахсий ҳисобдаги маълумотларга асосан Т-49 сон шаклдаги ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси тузилади.

Қуйидаги дастлабки ҳужжатлар иш ҳақи ҳисоблаш қайдномаси ва ҳисоблаш варақаларини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади:

- иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели асосида фойдаланилган вақт ётадиган вақтбай иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланилади (бекор туришлар, тунги ва иш вақтидан ортиқ ишлагани, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани ва шу қабилар учун тўланадиган ҳақ);

- барча турдаги қўшимча ҳақ ва вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани бўйича нафақалар ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби;

- ўтган ой бўйича ҳисоблаш қайдномалари солиқ ушланмалар суммасини ҳисоблаш учун;

- ижро варақалари бўйича ушлаб қолиш учун суд органларининг қарорлари;

- ойнинг биринчи ярми учун бўнак бериш бўйича тўлов қайдномалари;

- режасиз бўнаклар бериш бўйича касса-чиқим ордерлари ва ҳ.к.

Пахта тозалаш корхонасида меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг дастлабки ҳисоби бўйича расмийлаштирилладиган ҳужжатлар асосида ходимларга меҳнат ҳақи амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида қабул қилинган қоидаларга асосан ҳисобланади. Ҳисобланган меҳнат ҳақи пахта тозалаш корхонаси бухгалтериясида юритилладиган “Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар дафтари”да акс эттирилиб борилади. “Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-

китоблар дафтари”га асосан корхона бухгалтери “Тўлов қайдномаси” тузади. “Тўлов қайдномаси”га корхона раҳбари ва бухгалтери имзо чеккандан сўнг, қайднома асосида ходимларга пахта тозалаш корхонаси кассасидан меҳнат ҳақи берилади.

Ҳозирги вақтда пахта тозалаш корхоналарида меҳнат ва унга ҳақ тўлашда турли хил бухгалтерия ҳужжатлари қўлланилади. Уларда ходимларнинг ишлаган кунлари бўйича иш соатлари ҳамда уларга ҳисобланган меҳнат ҳақи акс эттирилади. Лекин, меҳнат ҳақини умумлаштиришда иш соатлари умумлаштирилмай қолади, ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси калькуляция объектлари бўйича умумлаштирилади. Бу ҳолат пахта тозалаш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш ва ҳар олинган маҳсулот бўйича сарфланган меҳнат самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди. Шунинг учун, дастлабки бухгалтерия ҳужжатларидаги иш вақтидан фойдаланиш маълумотларни назорат қилиш ва уларда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат вақтини алоҳида графада акс эттирилишини (ҳисобга олининини) таъминлаш.

Пахта тозалаш корхоналарида ходимларга ишбай меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида меҳнат ҳақи тўлаш имкони мавжуд ҳолатларда ҳам, меҳнат ҳақи асосан вақтбай меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида тўланади. Бозор муносабатлари шароитида ишбай меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш, меҳнат натижасининг самарасини баҳолаш ва сарфланган меҳнатни назорат қилиш имконияти кенгроқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ходимларни белгиланган классификация (туркумлаш) асосида туркумлаб, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини ташкил этиш. Шу асосда ишбай ва вақтбай асосида ҳисобланган меҳнат ҳақини алоҳида ҳисобга олиб борилишини таъминлаш.

### **3.2. Пахта тозалаш саноати корхоналарида меҳнат ҳақидан ажратма ва тўловлар ҳисобини аудиторлик текшириш хусусиятлари**

Пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан қуйидаги ушланмалар ушлаб қолинади:

1.Даромад солиғи.

2.Нафақа фондига(жамғармасига).

3.Касаба уюшма жамғармасига.

4.Ижро варақаралари асосидаги ушланмалар (алимент,етказилган моддий зарар ва ҳ.к.)

5.Олдин берилган бўнак суммаси.

6.Кредитга олинган товарлар суммаси ва ҳ.к.

Юқоридаги ушланмалардан даромад солиғи,нафақа фондига, ижро варақаралари асосидаги ушланмалар мажбурий ушланмалар ҳисобланади.

Даромад солиғи пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан қуйидаги тартибда ушлаб қолинади:

2012 йилдан ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасининг минимал иш ҳақининг беш баробарига тўғри келган қисмидан 9%, беш баробаридан ўн баробарига тўғри келган қисмидан 16%, ўн баробаридан ортиқ қисмидан 22%. Пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб жараёнида ходимларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари муҳим аҳамият касб этади. Ходимлардан даромад солиғи календар йили бошидан асосий иш жойидан олинадиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳар ойда йил бошидан ўсиб борувчи якун билан солиқ солинадиган ялпи даромад суммасидан ушлаб қолинади.

Ходим йил давомида асосий иш жойини ўзгартирган тақдирда янги иш жойидаги бухгалтерияга жорий йилда махсус шаклда тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши шарт. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солиқ қўйидаги келтирилган 5- жадвалдаги

шкала асосида ундирилади.

5-жадвал

**Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари(2012 йил учун)**

| <b>Жами даромад миқдори (энг кам иш ҳақи)</b>                        | <b>Солиқ суммаси</b>                                                     |
|----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| Энг кам иш ҳақининг 5 баровари миқдоригача                           | Даромад суммасининг 9 фоизи                                              |
| Энг кам иш ҳақининг 5 баровари миқдоридан 10 баровари миқдоригача    | Энг кам иш ҳақининг 5 баровари миқдоридан ошадиган сумманинг 16 фоизи    |
| Энг кам иш ҳақининг 10 баровари миқдоридан ва ундан юқори миқдоридан | Энг кам иш ҳақининг 10 баровари бароваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи. |

Келтирилган шкала амалиётда ходимларнинг асосий иш жойларидан олган даромадларига солиқ солиш чоғида қатъий қўлланилади. Ўриндошлар одатда, хўжалик субъекти бухгалтериясига уларнинг даромадидан энг юқори (22 %) бўйича солиқ ушлаб қолиш ҳақида ариза топширилади. Солиқ суммалари тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича истиқомат жойидаги солиқ инспекцияси томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Ходимларнинг иш ҳақидан солиқ тўловлари бўйича бухгалтерия ҳисобида 6410-«Бюджет билан ҳисоб-китоб» сче­тида акс эттирилади.

Нафақа фон­дига(жамғармасига) пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан 2011-йилда 4,5% ушлаб қолинган бўлса, 2012 йилдан бошлаб 5,5% ушлаб қолинадиган бўлди. Нафақа фон­дига ушлаб қолинган суммага Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ижро варақаралари асосидаги ушланмалар суднинг қарорига асосан бўлиб, унда меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинадиган сумма кўрсатилган бўлади. Меҳнат ҳақи суммасидан алимент суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6990 “Бошқа мажбуриятлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ходимнинг меҳнат ҳақи суммасидан корхонага етказилган моддий зарар суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар

билан ҳисоблашишлар”, Кредит 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” бухгалтерия проводкаси берилади.

Касаба уюшма жамғармасига пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан 1% ушлаб қолинади. Бунда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Меҳнат ҳақи ҳисобидан олдин берилган бўнак суммаси ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар” бухгалтерия проводкаси берилади.

Меҳнат ҳақи ҳисобидан ходимларнинг кредитга олинган товарлар суммаси ушлаб қолинганда Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи” бухгалтерия проводкаси берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”га асосан ишловчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган ушланмалар суммаси ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим (Суднинг ижро варақалари бўлмаган ҳолларда).

Пахта тозалаш корхонасида ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов амалга оширилади. Бу мажбурий ажратма ҳисобланиб 2011 йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25% миқдорида белгиланган. Ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалар ҳисобланганда Дебет меҳнат ҳақи ҳисобланганда дебетланадиган счётлар, Кредит 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз” бухгалтерия проводкаси берилади.

Пахта тозалаш корхонасида меҳнат ҳақидан ушланмалар ва меҳнат ҳақиға нисбатан ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бири алоҳида ҳисобга олиб борилади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, меҳнат ҳақидан ушланмалар пахта тозалаш корхоналари ходимларининг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади, унинг маҳсулот таннари ёки пахта тозалаш корхоналари

фаолиятига таъсири йўқ. Меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар эса ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ҳисобланиб ходимларининг меҳнат ҳақига таъсири йўқ, лекин ушбу ажратмалар маҳсулот таннархига қўшилиб пахта тозалаш корхонаси фаолиятига таъсир кўрсатади.

Амалдаги қонуниятга мувофиқ барча юридик шахслар ижтимоий суғурта ажратмаларини ижтимоий мақсадларга ажратиши шарт. Ижтимоий суғуртага оид вазифаларини бажарувчи юридик ва жисмоний шахслар махсус фондларга мажбурий бадалларни тўловчилар ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхонаси бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, Бандлик қўмаклашиш фонди ва Касаба уюшмалари федерация кенгашига мажбурий бадалларни тўловчи ҳисобланади. Бундан ташқари, ёлланиб ишлайдиган фуқораларнинг мажбурий суғурта бадалларини ҳисоблаб ёзиш ва ушлаб қолиш мажбурияти, ҳисоблашнинг тўғри бўлиши учун маъулият уларнинг зиммасига юклатилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда мойиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда бадалларини тўлаган муддатига (умумий стажига), қаромағидаги вояга етмаган болаларнинг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача (60-100).

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

Умумий иш стажы 5 йилгача бўлса, иш ҳақидан 50% тўланади, 5 йилдан 8 йилгача бўлса 60%, 8 йилдан ортиқ бўлса 80 %, қуйидаги ҳолларда умумий иш стажидан қатъий назар 100% нафақа тўланади:

-агар қаромағида 16 ёшга етмаган (ўқувчилар — 18 йшгача) уч ва ундан кўп фарзандали бўлса;

-ишлаётган Улуғ Ватан уруш қатнашчиларига, байналминал — ҳарбийларга, Чернобил АЭС аварияси оқибатларини бартараф қилиш

қатнашчиларга, меҳнат мойиблари ва касбий касал бўлганларга;

-ҳомиладорлик ва туғиш бўйича.

Шу билан бирга ҳар бир ходимнинг иш ҳақидан пенсия фондига бадаллар ҳар ойда тўлаб борилади. Ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда эркаклар — олтмиш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма бешдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар — эллик беш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади.

Меҳнат ҳақи билан боғлиқ давлат бюджети ва жамғармаларга мажбурий тўловлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1) Ходим ҳисобидан тўланадиган тўловлар;

2) Иш берувчи томонидан тўланадиган тўлов;

3) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобидан тўланадиган тўлов.

Ходим ҳисобидан тўланадиган тўловлар даромад солиғи ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадалларидан ташкил топади. Иш берувчи томонидан тўланадиган тўлов-ягона ижтимоий тўловдир. Даромад солиғи ҳисобидан тўланадиган тўлов-шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадалларидир.

Даромад солиғи Солиқ кодексига асосан ҳисоблаб чиқилади ва тўланади. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар даромад солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Даромад солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БХМС)га асосан 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счётида ҳисобга олинади. Даромад солиғини ҳисобланиши ва тўланиши бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

Даромад солиғи ходимларни меҳнат ҳақидан ушлаб қолинганда - Дебет 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит - 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти

Даромад солиғи бюджетга тўланганда: Дебет 6410 - “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти, Кредит «Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари Солиқ кодексига асосан ҳисоблаб чиқилади ва тўланади. Белгиланган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар суғурта бадалларини тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Суғурта бадалларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС)га асосан 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счётида ҳисобга олинади. Суғурта бадалларини ҳисобланиши ва тўланиши бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

Ходимларни меҳнат ҳақидан ушлаб қолинганда: Дебет 6710 - “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”, Кредит 6520 - “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”счёти.

Суғурта бадаллари тўланганда: Дебет 6520 - “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”счёти, Кредит «Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»

Ягона ижтимоий тўлов Солиқ кодекси ва Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосан ҳисоблаб чиқилади ва тўланади.

Ягона ижтимоий тўловни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС)га асосан 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счётида ҳисобга олинади.

Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиши ва тўланиши бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланганда: Дебет «Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар», Кредит 6520 - “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счёти.

Ягона ижтимоий тўлов тўланганда: Дебет 6520 - “Мақсадли давлат

жамғармаларига тўловлар” счёти, Кредит «Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"<sup>12</sup> ги Қонун ва Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида<sup>13</sup>га асосан ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади. Ушбу мажбурий ойлик бадаллар миқдори ходимга ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида ҳисобланади, лекин иш ҳақидан ушлаб қолинмайди, балки ходимга ҳисобланган иш ҳақидан ушланган даромад солиғи ҳисобидан тўланади.

Бу муомилаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш йўриқномавий хат<sup>2</sup>га асосан қуйидагича акс эттирилади:

Ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ушлаб қолинган бадаллар суммаси, ушбу суммани қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан чегирган ҳолда бухгалтерия ҳисобида очиладиган 6530 - “Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар” ҳисобварағининг кредити бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи ҳисобварақ (6400) билан боғланишда акс эттирилади;

Ушлаб қолинган бадаллар суммасини ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиш бухгалтерия ҳисобида 6530- “Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар” ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (5100) кредити бўйича акс эттирилади;

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги 702-III-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган

<sup>13</sup> Ўзбекистон республикаси молия вазирлигининг № ба/30-01-21, Ўзбекистон республикаси давлат солиқ қўмитасининг № 2005/20, Ўзбекистон республикаси марказий банкининг № 17-30/115-кх, Ўзбекистон республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг № 18/452 йўриқномавий хати

Ходимларнинг ижтимоий суғурта ташкилотлари билан бўладиган ҳисоб-китоблар, яъни ходимларнинг иш ҳақидан тўланадиган бадаллар келгусида ходимнинг бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнатга қобилиятсизлигига унинг ва оиласининг қайси миқдорда моддий томонидан таъминланиб туриши кафолатланади. Пенсия фондига ажратилган бадаллар ҳам келгусида суғурта қилинган ходимнинг нафақа ёшига етгандан кейин унинг моддий таъминоти манбаи ҳисобланади ва бу суғурта ажратмаларининг мажбурий шаклда бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Пахта тозалаш корхонасида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижалари қуйидаги хулосалар қилишга имкон берди:

Пахта тозалаш корхонасида миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, хўжалик субъектининг асосий мақсади ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни, унинг юксак натижаларга эришишига йўналтирилган бўлади. Пахта тозалаш корхонасида оширилаётган ислохотлар тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, молиявий ҳолат барқарорлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ва технологик интизомни кучайтириш учун ҳар бир ходимнинг самарали меҳнاتини талаб этади.

Пахта тозалаш корхонасида бухгалтерия ҳисоби эса меҳнат ҳақининг амалиётда қилинган меҳнат харажатлари миқдори ва сифатига, амалдаги меҳнат ҳақи шакли ва тизимига кўра ва меҳнат ҳақидан ажратмалар ва ушланмаларни тўғри ҳисобланишини, меҳнат интизомини, ходимларнинг иш вақтидан фойдаланишини, ишлаб чиқариш нормаларнинг бажарилишини, келгусида меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида заҳираларни аниқлашда, меҳнат ҳақи фонди харажатларининг назоратини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларга ва ижтимоий суғурта ажратмаларини тўғри ҳисобланишини ва йўналишлар бўйича тақсимланишини таъминлайди.

Меҳнат ҳақини ошиши бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига таъсир қилади. Меҳнат ҳақини ошиши ходимларда меҳнатга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгаришига олиб келиб, ўз ишига масъулият билан ёндошади, иш вақтидан унумли фойдаланади, меҳнат унумдорлиги ошади, натижада корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. 2009-2013-йиллар давомида пахта тозалаш корхонасида ишловчиларнинг ўртача меҳнат ҳақини икки баробарга ошиши, оланган соф фойдани 2.1 мартага ошишига олиб келган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича

қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ҳар бир ходимнинг бажарган меҳнат харажати миқдори ва сифатига кўра Тошкент вилоят пахта тозалаш корхоналарида меҳнат ҳақининг ҳисобланишини, меҳнат интизомини назорат қилиш ва меҳнат ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишни.

2. Пахта тозалаш корхонасида меҳнат ҳақининг дастлабки ҳисоби таҳлил қилинганда, ходимларнинг меҳнати ва бажарган ишларни ҳисобга олиш ва уларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш ҳамда тўлашда турли хил бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида ёзувларни олиб бориш қўлда амалга оширилади, яъни ҳужжатларни тўлдириш ва қайта ишлаш жараёнида ҳисоблаш техникасидан фойдаланилмайди. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобини, айниқса меҳнат ҳақи ҳисоби бўйича бир қанча дастурлар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланишни таклиф қиламиз.

3. Меҳнат ҳақи билан боғлиқ ажратмалар ва меҳнат ҳақидан ушланмалар ҳисобини пахта тозалаш корхонасида олиб борилишини таҳлили шуни кўрсатадики, корхонада юқорида қайд этилганларнинг ҳисоби корхонада тўғри йўлга қўйилган. Лекин, ушбу ҳисоб-китобларни олиб борилиши фақат молиявий ҳисоб тамойиллари асосида олиб борилиб, корхонада улар бўйича маълумотлар алоҳида юритилиб, корхона бошқарувчилари учун алоҳида ҳисобот тузилмайди. Шунинг учун корхонада меҳнат ҳақи фондини сарфларини доимий назорати таҳминлаш, меҳнат ҳақини ошириб бориш учун ички имкониятларни аниқлаш мақсадида бошқарув ҳисобининг тамойилларга мос келадиган ҳисобот тузишни таклиф қиламиз.

4. Пахта тозалаш корхонасида 2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўтача меҳнат ҳақи икки баробарга ошган, меҳнат ҳақи фонди эса 55,5 фоизга ошган. Меҳнат ҳақини ошишини меҳнат унумдорлигига таққослайдиган бўлсак, шу даврда меҳнат унумдорлиги 30,1 фоизга ошган, яъни меҳнат ҳақи юқорироқ ўсган. Бундай ҳолат корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни пахта тозалаш корхонасида хизматлар ҳажмини юқорироқ суръатларда ошишини

таъминлашни таклиф этамиз.

5. 2013 йилда 2009 йилга нисбатан меҳнат ҳақи фонди 132012 минг сўмга ошган. Меҳнат ҳақи фондини 13343 минг сўми корхонада ишловчилар сонини ошиши ҳисобига ошган бўлса, 118669 мингсўми ўртача бир ходимга ҳисобланган меҳнат ҳақининг ошиши ҳисобига ошган. «Наврўз бозори» МЧЖда меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи фондини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таклиф қиламиз:

-корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш лозим. Бу корхонада меҳнат ҳақинини ошишини меҳнат унумдорлигини ошишига мутаносиблигини таъминлаш лозим;

-корхонада меҳнат ҳақини ташкил эти шва ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш ҳамда уларга ойлик маошлари ставкасини белгилашда, ходимларнинг корхонада хизмат кўрсатишига қўшаётган ҳиссасини, малакасини ҳисобга олишни.

Таклифларимиз, пахта тозалаш корхоналари таҳлили ва аудитини такомиллаштиришга тегишли бўлиб, корхона маъмурияти ва менежерларини меҳнат ва унга ҳақ тўлаш бўйича тегишли самарали қарорлар қабул қилишлари учун ахборотларни тўлалигини таъминлайди. Натижада пахта тозалаш корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш билан бирга корхонанинг рақобатбардошлиги таъминланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:«Ўзбекистон»,2009.—48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.:«Адолат»,2008.-692 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: 30.08.1996.
4. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4053-сонли Фармони. 18.11.2008.
5. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом. – Т.: 05.02.1999. №54.
6. 2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида. – Т.: 03.04.2007.№70.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2009. – 176 б.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. – Т.17, – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 280 б.
10. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 48 б.
12. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 36 б.
13. Бобожонов О. Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2005. – 368 б.
14. Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. – Т.: «Норма», 2007. – 272 б.
15. Бухгалтерский учет в Узбекистане: Современный Аспект. Том 2. Под общей редакцией Тулаходжаевой М.М. – Т.: «Национальная Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов Узбекистана», 2004. – 214 с.
16. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: «Молия», 2002. – 672 б.
17. Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: «Шарқ», 2005. – 480 б.
18. Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерскому учету. – Т.: «Мир экономики и права», 2004. – 432 с.
19. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003. – 476 б.
20. Исаев Р.А., Хасанов Б.А., Аликулоа А.И. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: «Фан ва технология», – 220 с.
21. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 2004. – 592 б.
22. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш
23. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: «Зарафшон», 2001. – 272 б.
24. Пардаев М.Қ. Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф

этишнинг йўллари ва чоралари»номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2009. – 120 б.

26. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-БХМС). – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2007. – 256 б.

27. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: «Фан», 2005. – 236 б.

28. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлил. – Т.: «ТДИУ», 2003. – 66 с.

29. Хасанов Б.А. Бошқарув сегментар ҳисоботи. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т.: 2003. №5.

30. Хасанов Б., Ҳошимов А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Иқтисод-молия», 2005. – 308 б.

31. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 416 с.

## ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

32. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги  
<http://www.mineconomy.uz>

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги <http://www.mf.uz>

34. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
<http://www.edu.uz>

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси <http://www.stat.uz>

36. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси <http://www.antimon.uz>

37. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <http://www.soliq.uz>

38. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси <http://www.paxta.uz>